Ilmiy tadqiqotlar va ularning yechimlari jurnali
Aoka guvohnoma № 323759 ISSN: 3060-4818

ҲИКОЯДА ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИН ВА ОБРАЗЛИЛИК

Махматқулова Зарина Нуруллаевна
Гулистон давлат университети
Мустақил тадқиқотчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.23363293

Аннотация

Ушбу мақолада Франц Кафканинг “Очлик устаси” ҳикоясида руҳий таҳлил ва образилик ҳақида сўз боради. Мана шу концепция ҳар бир ёзувчи ижодий услубининг индивидуаллигини белгилаб берувчи мезон эканлиги ҳам аниқланди.

Калит сўз: образ, услуб, концепция, мантиқ, ифода, талқин, рамз, миф.

Ҳикоя – асрлар давомида сайқалланган мураккаб жанр эканлигини намоён этаркан, унда миллатнинг тақдиридан биргина саҳифа орқали очиб бериш йўсини ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Франц Кафка бадиий олами бўладими, Альберт Камю ёки Жеймс Жойс, Сомерсет Моэм, Эрнест Хемингуэй бўладими, барчасида тушунчалар синтези, оламда яшовчи одам, комил фуқаро, жамият аъзоси ўлароқ янада қаттиқ рамзлар тилида ҳикоя қилинган.

Франц Кафканинг “Очлик устаси” ҳикоясидаги – оч одамнинг жамиятдаги ўрни, роли ва туйғулари руҳий талқин этиларкан, замонавий инсон кредоси ҳам яққол намоёндир. Унда биргина очлик сабаб бутун жамиятдаги нафс, инсоний муносабатларга дарз етиши кўзга ташланади. Нафақат бу ҳикояда жамият аъзолари, кўнгли тошдек қаттиқ, аёвсиз, шафқатсиз бўлиб бораётган одамлар образи ўз-ўзидан турли хил вазиятларда “синов”дан ўтказилади.

Бадиий психологик талқин ҳикоя архитектоникасида **тушунчалар синтезини** юзага чиқишида муҳим роль ўйнайди. Франц Кафка илоҳиёт билан руҳият қоришиғида сўз юритар экан, айни шу тамойил инсон идроки, тафаккури, маиший турмуши, муҳаббати, оғриқлари, йўқотишлари, самимий ва уддабуронлиги, қийинчиликларга бардоши, матонати негизида уйғун ҳолда акс эттириш йўлидан боради. Чунки Фака мутассил давом этиб келаётган зулм, қабоҳат, нафрат, ёвузлик, шафқатсизликнинг устидан қизил чизиқ тортмоқчи бўлади. Афсус ҳамон бу қора рангли иллатлар, одамзодни бегуноҳлигини билиб туриб ҳам хонавйрон қилувчи ёт ғояларнинг сира тўхтам билмаслигини кўрамиз. Агар Франц Кафка ўша даврда рамзлар тилида ҳикоя қилмаганида, ўзини реалист сифатида тушунтирганида, унинг бошига бошқа ёзувчиларнинг оғир куни тушарди. Кафкани тушуниш учун ўкплб азобларни бошидан ўтказган, шу жараёнда қону жонидан кечган бўлиши шартдир. Акс ҳолда Кафкани руҳий оламига яқинлашиши мумкин эмас!

Проф Ш.Ботирова қайд этганидек: “Бадиий асар талқини ва таҳлили жараёнида, психологик тасвирнинг турли асарларда турлича вазифаларни бажаришини назарда тутган ҳолда баъзи асарларда руҳий таҳлил ва психологик деталлар унчалик кўп эмас, фақатгина муаллиф ниятини амалга оширишга ёрдамчи бадиий восита тарзида қўлланилишига амин бўламиз. Бундай ҳолларда биз фақат психологик тасвир унсурлари ҳақида гапиришимиз мумкин. Айрим ҳолларда эса, психологик тасвир матннинг салмоқли қисмини банд этиш баробарида бошқа унсурларга

нисбатан мустақиллик касб этади ва асар мазмунини тушунишнинг фавқулодда муҳим жиҳатига айланади. Бизнингча, бундай асарда алоҳида бадиий услуб – психологизм юзага келади. Психологизм бу бадиий тасвир воситалари кўмагида қаҳрамон ички олами: унинг фикрлари, кечинмалари, хоҳишлари, ҳиссий ҳолатларини батафсил тасвир орқали кашф қилишдир... Психологик тасвирнинг уч асосий формаси мавжуд бўлиб, ички олам тасвиридаги барча конкрет усуллар алал-оқибат ўшаларга бориб тақалади”[1]. Бадиий ва руҳий таҳлил имкониятлари кейинги давр романчилигида ниҳоятда турфалана бошлади. Бунга мисол “Очлик устаси” ҳикоясида қуйидаги талқингаътибор берганимизда аёнлашади:

“Очлик устасининг кўнглига кўпроқ қафаснинг ёнига стул қўйиб олганча, залнинг тунги хира чироқларига қониқмай, импресарио[2] томонидан берилган чўнтак фонарини қафасга тутганча, уни тинимсиз кузатиб турадиган қоравуллар таскин берарди. Ўта ёркин ёруғлик унинг ғашига тегмас, барибир ухлай олмасди ҳам шунга алалоқибат кўникканди. У шунчаки ҳар қандай ёруғликда ва исталган вақтда енгилгина ҳушсизликка тушиши мумкин эди. ҳатто шовқин тўла залда ҳам бу нарса юз бериши одатий ҳол эди. Қоравуллар билан бутун тун кўз юммасликка, ҳазил-ҳузул қилиш, кўчманчи ҳаётидан ҳикоя қилиб бериш ва улардан ҳам ўзларининг ҳикояларини эшитишга тайёр эди. буларнинг бари қоравуллар ухлаб қолмасликлари учун қафасда ҳеч қандай егулик йўқлигини ораларида бирор одам ўзи каби очлик санъатини кўрсата олмасликлари тушунишлари учунгина эди. лекин тонг отганида тун бўйи чарчаб, ухламай чиқан қоравулларга ўз ҳисобидан баракали ва тўйимли нонушта олиб келтирганда, уларнинг соғлом одамлардагина бўладиган иштаҳа билан таомлага ёпирилишларини кўриб чинакамига ўзини бахтли ҳис қиларди. Рости, одамлар орасида қоравулларни меҳмон қилишни пора бериш деб ўйлайдиганлари ҳам топиларди. Бу энд ҳаддидан ошиш эди. улардан бутун тун давомида ҳеч қандай нонуштага умид қилмай, шунчаки санъатга бир муҳаббат юзасидан қоравуллик қила олишлари ҳақида сўрашган вақти улар қовоқларини уйиб қўйишарди”[3].

Ҳикояда икки жиҳат киши эътиборини тортади.

Биринчидан, очлик устаси ўз руҳий олами, тушунчалари билан жамиятдаги ола-була ҳаётга, шовқинга баҳо бераркан, одамларнинг унга бўлган нафсий муносабатини, унинг орқали мўмай пул топиш, бойиш санъатини эгаллаб бораркан, ҳар бир даврнинг қиёфалари, характерлари мавжудлигини, қонимизга сингиб кетган Иблис образини ҳам реаллаштиради. Жамиятда одамлар икки синфга бўлинади. Бойлар ва йўқсиллар.

Иккинчидан, ўзи яшаб турган муҳитнинг турли хил найрангларини англаш, қандай қилса одам кўзи тўқ ва бахтли яшайди каби мушоҳадалар қаҳрамонни жиддий зиддиятлардан огоҳ этади. Айниқса, очлик устасининг ички оламидаги портлаш, ҳидоятга олиб борувчи йўлларда Шайтонларнинг тизилиб, бандаи ожизларни кўриб туриши, йўлдан, ақлдан оздириш ниҳоятда катта бир концепцияни юзага чиқаради. Шу боисдан ёзувчи инсон руҳиятига теран назар ташлайди. Композицион воситалар эса муайян вақт ва замонни эмас, айни шу жараёнда иштирок этувчи одамлар руҳиятига теран назар ташлашни тайин этади.

Мунаққид Ҳ.Умуров қайд этишича: “Психологик детерменизм инсоннинг ҳатти-ҳаракатига унинг маънавий олами, психологиясига ҳам сабабчи эканини кўрсатади ва инсоннинг ички

[1] Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм. Филол.фан.дисс.яси. –Қарши. 2019. –Б.87.
[2] Импресарио – хусусий театр томошаларини ташкил этувчи киши.
[3] Франц Кафка. Очлик санъати. –Т: “Янги аср авлоди”. 2025. –Б.99-100.

дунёсига чуқур кира билишни бадиий ижоднинг яна бир жуда муҳим фактори ва талаби сифатида илгари суради”[73]. Кўринадики, психологик вазият инсонни ҳар қачонгидан чуқур билишга шароит туғдиради. У ёзувчи томонидан қайта ишланади. Қаҳрамоннинг ўз тақдири, ўз ўйлари, кўрган-кечирганлари ҳамда дунёқараши психологик таранглиқни келтириб чиқариши табиий. Чунки, бадиий психологизм мемуарда бошқа насрий асарлардан фарқли ўлароқ, у ҳаётийлиги, яшовчанлиги, бўлиб ўтганлиги, муаллиф ёки қаҳрамоннинг интим ўй-кечинмаларини кўрсатиб берувчи кўзгудир. “Психологик анализ проблемаси жуда мураккаб масаладир... Одам яшар экан, у қандайдир, ўзича, шахсан бошдан кечиради, сезади, ҳис қилади. Бу кечинмаларни ёзувчи томонидан анализ қилиниши қонуний бўлиб қолмасдан, балки у ёзувчига инсон моҳиятини тушуниш учун калит ҳисобланади”(Л.Леонов). Ҳикоя поэтикасида бадиий психологизмнинг ифода қилиниши, ёзувчи ва муҳит ўртасидаги зиддиятларни аниқлашда муайян қулайликларни келтириб чиқаради.

Бадиий конфликтнинг адабиётшунослик илмида уч хили борлигини қайд этишади:

1. Характерлараро конликт.
2. Қаҳрамон ва муҳит конфликти.
3. Ички (психологик) конфликт.

Рус ёзувчиси Лев Толстой ушбу фикрларни билдириб ўтган эди: “Санъат ҳамиша қарама-қаршиликлар бўлгандагина майдонга келади, бу курашнинг ё ўзгинаси тарзида ёки курашнинг инъикоси тарзида бўлади...”[90]. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай тўқнашувнинг рўй бериш вақти, уни юзага келтирувчи ижтимоий омиллар, сабаб ва оқибат бирлигида намоён бўлади. Шунингдек, “конфликт лотинча “ихтилоф”, “тўқнашув” деган маъноларни англатади. Конфликт бутун асар сюжети ва мазмунининг йўналишини таъминлайди. Аниқроқ айтганда, конфликт бадиий асарда иштирок этувчи образлар ўртасидаги кураш, асар қаҳрамонлари билан улар яшаётган ҳаётий шароит орасидаги зиддият, асар қаҳрамонлари ички дунёсидаги қарама-қаршиликнинг намоён бўлишидир”[91]. Бадиий конфликт насрий асарда кенг турда, матн таркибининг барча бўғинларида рўй бериши мумкин. У бир вақтнинг ўзида сюжет ва композициянинг уйғунлашувига замин яратса, иккинчидан муаллиф мақсадининг ҳал қилиниши учун муҳим эстетик категориядир.

Рамзий-мажозий ҳикоя бадииятида бу ҳолат шахсийлашган, яъни умумийликдан хусусийлик касб этган жанрий яхлитликни таъминлашга қаратилганлиги билан соф бадиий асардан жиддий тафовутланади. Буни қуйидаги қиёслашда аниқлашга ҳаракат қиламиз. Айни дамда, ёзувчи жамиятга умумэстетик нуқтаи назардан баҳо бераркан, ҳар бир даврнинг ўзига хос тасвир усули борлигини тайин этади.

Шу маънода, Франц Кафка бадиий олами – руҳият ва жамиятдаги инсон зиддиятлари орасида кечадиган мураккаб талқинларни юзага чиқаради. Масалан, инсон руҳиятида акслангган ҳар қандай кечинмалар психологик конфликтда юзага келади.

Қуйидаги жадвалда бунга муносиб ўрин топамиз:

“Очлик устаси”да конфликт турлари

[73] Умуров Ҳ. Рисолалар. Сайланма. 1-жилд. –Тошкент: Фан. 2007. –Б.13.
[90] Толстой Н.Л. О литературе. “Советской писатель”. М., 1956. С.287.
[91] Шукуров Н., Ҳотамов Н., Ҳолматов Ш., Маҳмуд М. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1984. –Б.104.

Асосан, Франц Кафка ўз қаҳрамонини кучли депрессиядан олиб чиқади. Айнан у нима учун очлик йўлини танлади. Фака мураккаб мифларга мурожаат қилади. Чунки у ўз даврида биринчи жаҳон урушига олиб келган тоталитар ёки бюрократизм, нафс, амалдорларнинг оддий одамларни ҳеч ким ўрнида кўрмаслиги ҳар бир детальга рамз бўлиб мослаштирилади. Негаки, инсон қайси давр ёки жамиятда яшамасин, ўзининг кечмишлари билан андармон бўлиши, олам ва одам сирларини яхши англаши, нима учун дунёга келиб, яшай бошлаши, барчаси Кафка оламида катта бурилишларни юзага келтиради.

“Кафка ижодининг экзистенциализмга йўғрилганлиги унинг асарларида сезилиб туради. Машҳур француз адиби Альбер Камю (Albert Camus, 1913-1960) Кафка ижодида ўзининг фалсафий фикр, бадиий образ, қолаверса, дунёқарашларига ҳамоҳанг келувчи жиҳатларни топганлиги бежиз эмас албатта. Аммо Мартин Хайдеггер ва қисман Жан-Поль Сартр фалсафий концепциясини Кафка ижодига мос келади деб бўлмайди. Кафкани феноменология эмас, кўпроқ этика муаммолари қизиқтирган. Танлаш ҳуқуқини тарғиб қилувчи ғоялар Кафка учун ҳеч нарсани англатмайди. Негаки унинг наздида танлаш эркинлиги йўқ бўлган жойда ҳуқуққа ҳам ўрин йўқ. Кафка қаҳрамони экзистенциализм руҳи билан суғорилган “маҳобатли кўрқинч” ҳиссини юрагида олиб юришга маҳкум этилган. Айни пайтда, “уни босиб олган кўрқув ҳиссиётининг бепоён кенгликлари” аслида, қалбини чулғаб олган ижобий хислат эканлигини яхши тушуниши лозим, чунки бу кенгликларда даҳшатга солувчи кучдан устун турувчи олий хислат, яъни инсонни енгиб бўлмасликка бўлган ишонч мужассамдир”[4].

“Бу каби бўҳтонларга унинг кўникиб кетишидан бошқа иложи қолмас ва йиллар ўтган сари у бу ҳолатга ўрганиб ҳам кетди, бироқ одамлардан қониқмаслик ҳисси аста-секин унинг бардошини тарашлаб борарди. Неча маротаба очликдан силласи қуриса ҳам у бирор маротаба, қафасни ўз ихтиёри билан тарк этмаган, алоҳа буни тан олмай бўлмасди. Импресарио очлик муддатининг энг охирги чегараси этиб қирқинчи кунни белгилади. Ундан ортиқ муддатга ҳар қандай жиддий сабаб бўлган тақдирда ҳам, ҳаттоки пойтахтда бўлса ҳам асло рухсат берилмасди. Тажрибалар шуни кўрсатгандики, тобора шовқинли тарғибот орқали қизиқувчан шаҳарликларнинг иштиёқини янада алангалатиш мумкин эди бу томоша. Лекин кейинчалик омманинг қизиқиши ва талаби сезиларли равишда пасайиб борди. Албатта, қишлоқларда бу шаҳарга таққослаганда бошқача кўринишда бўлган бўларди, биро қоидага кўра қирқинчи кун бу муддатнинг охири эди. Кейин сўнги куни, амфитеатр иштиёқманд томошабиларга тўлиб, пуфлама чолғулар оркестри бўлиб, ўтар, оломон томонидан отилган гуллар билан тўлган қафаснинг эшиги очиларди а унинг иккита врач кириб, очлик устасининг тана ўлчами ва оғирлигини текширарди”[5].

Очлик устасининг ижтимоий ҳаётдан узилиб, жамиятдаги турли хил шахслар, касб эгаларини зимдан қафас ичида кузатиши монологик зиддиятни тартиблаштиради. Адиб қафасга тушган очлик устасини кузатганларни кузатар экан, одамзоднинг етиб келган онги ва манзили шу ерда жам дея хулоса илишга етаклайди. Сабаби очлик устаси ҳамма вақт одамларни ўрганиш, уларни кайфияти билан ҳисоблашиш, жамият мафкура, тизим қайси томонга қараб кетаётганини англаш борасида жиддий мушоҳада қилади. Академик Б.Назаров шундай таъриф беради:

[4] Холбеков М. www.kh-davron.uz https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/muhammadjon-xolbekov-xx-asr-modern-adabiyoti-manzaralari-07.html
[5] Ўша ҳикоя, 101-102.

“Типология – вақт ва манзил, давр ва замондан қатъи назар, турлича яқин ва узоқликдаги турли адиблар ижоди ва миллий адабиётлар аро: дунёқараш, ирқ, дин, тараққиётга боғланмаган равишда, таъсир роль ўйнамаган ҳолда бадиий тафаккур хосликларида зоҳир топувчи ижодий метод, йўналиш, оқим, ижод типи ва услубдан тортиб, ҳар бир алоҳида санъаткор ижодида дунё ва инсонни кўриш ҳамда уларни бадиий акс эттириш масалаларида намоён бўлувчи яқинлик, ўхшашлик, муқобиллик, ҳаммонандлик, айниятдошликдир”[6]. Ҳақиқатдан ҳам, Шодиқул Ҳамро билан Франц Кафка мифпоэтик оламида талқин ўзига хос ҳамда баайни муддао кесишмаларни намоён қилади. Шунингдек, инсонга муносабатда бўлиш, унинг ҳаёти, мазмунини англаш ҳар бир даврнинг ўзига хослигини тайин этади.

Буюк испан мутафаккири Хосе Ортега-и-Гассет эътирофича: “Ҳар қандай санъатнинг тарихи инсон қалбининг томонларидан бирини ифодалашга бўлган қатор уринишлардир. Худди шу нарса уни бошқа санъатлардан ажратиб туради. Бу уринишлар шундай бир эгри чизиқни ташкил қиладики, санъат камалакнинг енгил ўқи каби шу чизиқ бўйлаб замон қаърига ўз мақсади сари интилади. Интиҳосиз уфқдаги шу нуқта ҳар қайси санъатнинг йўналишини, моҳиятини ва маъносини кўрсатиб туради”[7]. Кўриб ўтганимиздек, Франц Кафка ҳам ўз даврининг фарзанди ўлароқ фикрлайди. Фикр кишиси онгида, туйғуларида. Тушунчаларида нима бўлишини дарров пайқаб, унга мос ҳамда муносиб жавоб излайди. Кафка эврилишлари жамият эврилишларининг ўзгинасидир. У одамнинг кераксиз бир буюмга айланиб қолишини ҳам талқин этаркан, ҳар қандай вазиятдан жуда катта бир умумруҳни топади. Бу руҳ ҳаётнинг муқаддаслигини, одамларнинг ўзаро муносабатини ҳамда моҳиятини англаб етади.

“Типологик қиёсда тадқиқотчининг роли беқиёс ортади. Зеро қиёсланадиган икки тараф (тарихий-адабий сиймолардан тортиб муайян бир фикргача) табиийки, пассив, ҳаракатсиз ҳолатда туради. Тадқиқотчи эса ҳаракатдаги фаол куч. Унинг интеллектуал ва руҳоний даражаси тадқиқот мароми ва миқёсини белгилайди. Агар тадқиқотчи ақлан ожиз ва руҳан камбағал бўлса (унда уни тадқиқотчи деб ҳам бўлмайди) “унда бундай”, “бунда ундай”дан нарига ўтолмайди. Бундай амални эса типологик тадқиқот деб ҳам бўлмайди. Энг ёмони шундаки, бундай ҳолларда типологик тадқиқот яроқсиз тадқиқот усули экан-да, деган нотўғри фикр ўрнашиб қолиши мумкин”[8]. Замонавий Ғарб ва Шарқ адабиёти, айниқса, ҳикояларидаги муштараклик, ўзига хослик, композицион воситалар синтези Франц Кафка ва Шодиқул Ҳамро ижодининг умумий хусусиятларини намоён этаркан, адиблар жиддий мифларни янгича шаклда юзага чиқаришга катта умид боғлайди ҳамда уни баҳоли қудрат олиб чиқа олади.

“Ажойиб кунларнинг бирида очлик устаси бир вақтлар ўзини кўкларга кўтарган бу оломон эрмак излаб уни ташланганча, бошқа томоша қидириб кетаётганини англаб қолди. импресарио, эҳтимол қаердадир очлик устасига аввалги қизиқиш қайта уйғониб қолар деган умидда, у билан яна бир бор Европанинг ярмини айланиб чиқди. Лекин ҳамма уринишлар зое кетди. Ҳамма ерда худди хуфиёна келишиб олгандек, ёппасига очлик санъатидан жирканиш авж олганди. Албатта,

[6] Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: таъсир ва типология. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 1-китоб – Тошкент: Муҳаррир, 2019. – Б. 6.
[7] Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. Тошкент: Маънавият, 2010. –Б.307.
[8] Мелиев С. Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси. –Т: ЎзФА. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 2019. –Б.115.

бу тўсатдан рўй бермади. Агар ортга қайтиб эслайдиган бўлсак, чиндан ҳам қандайдир хавфдан дарак бераётган аломат бор эди. Ҳа, буни ёдга олиш қийин эмас”[9].

Инсон онгидаги ўйлар, хаёллар ҳар қачонгидан мукаммал бир тарзда юзага чиқмасин, уни тушуниб олгувчи “мен” табиати бўлиши зарур. Шундагина у ҳаёт ҳақиқатини теранроқ англаган ҳисобланади. Буни ҳар бир даврга муносабатида ҳам, одамларнинг эмин-эркин нафас олишида, уни томоша қилиб ҳузурланишида ҳам билиш қийин эмас. Айни дамда, ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини ёлғизлик ва ожизлик формуласига солиб қўйганлигида деб билиш мумкин. Ижодкор ҳар бир даврда муҳим бир факторга амал қилар экан, у қайси вазият ва ҳолатдан келиб чиқишини аниқ ва тўғри англаши лозим. Айниқса, рамзий талқин поэтикасида бу фактларнинг ишонарли чиқишида муҳимдир. Баъзи ҳикоянавислар жуда бўш, жўн ва кўрган-кечирганларини ҳеч бўяб-безамасдан, батартиб олиб чиқишда қийналадирлар. Унда эслаб қолиш ва уни қайта ҳикоя қилиш манераси етмишмаганлиги боис, тасвирда қатор машаққатларга дуч келадилар. Масалан, муаллиф бошидан кечирган кўп йиллар олдинги воқеликда вақт ўтиши билан қандайдир эсдан чиқиш аломати ҳам учраши табиий. Буни тан олиш лозим. Айниқса, ўтиб кетган воқелик унутилгани билан инсон онгидан чиқиб кетишига, ўрнида янги ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлишига шароит яратиб беради. Ахир фасллар ҳам бирин-кетин алмашиниб, ўз ўрнини иккинчи фаслга бўшатиб бериши табиий қонуният-ку? Камдан-кам ҳоллардагина уни кундалик сифатида ёзиб, қайта идроклаб, хотирлаб, айнан “бўлган воқеани бўлиб ўтганидек тарзда тасвирлаш”(В.Белинский) кузатилади. Психологияда “**инсон боласи унутувчандир**” деган ҳаётий факт мавжуд. Ана шу тамойилдан олиб қаралса, унитилаётган воқеликни қайта синтезлаб, тиклаб, уни жонлантириб, унга ҳаёт бағишлаш фақатгина – истеъдод билан ўлчанади. “Очлик устаси” қаҳрамони кўп ҳолларда ўзини эмс, ўзгаларнинг унутувчанлигига ҳайратланади.

Хулоса шуки, инсон онги, тафаккури, эстетик диди ривожланмас экан, бадиий адабиёт ҳам ўз мавқеини бир маромда ушлаб туриши қийин жараён. Хусусан, Франц Кафка ижодида ҳикоя воқелик биринчи шахс тилидан баён қилинар экан, унда “инсон психологиясини теран очиб бериш” биринчи ўринни эгаллайди. Бизда эса ҳар қандай жанрнинг ўз яратилиш даври ва унинг ўз умрини тугатиш даври кўп рўй берди. Масалан, ғарбда кундалик, ёднома сифатида қадр топган эпик полотно, шарқда достон ва қасидаларда, бугунги кунга келиб эсселашган, рамзлар тилида намоён бўлди. зеро, Франц Кафка бутун борлиғини адабиётга дарж этди. Шодиқул Ҳамро эса ана шу даврнинг мунтазам муҳим томонларига разм солди. Бадиий композиция ва сюжет динамикаси ҳикоя архитектоникасини тамомила янгилашга қаратилди.

[9] Франц Кафка. Очлик устаси. –Т: “Янги аср авлоди”. 2025. –Б.106.